
Давлат фойдасига солиқ тўловлари ундирилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети даромадларининг 90%дан ортиқ қисми айнан солиқлар ҳисобидан шаклланиши барчамизга маълум.

Солиқлар ва мажбурий тўловларнинг ўз муддатида тушиши давлат миқёсида амалга оширилаётган барча чора-тадбирларнинг, яъни бюджет ва мақсадли жамғармаларнинг ҳаражат қисмини ўз вақтида молиялаштиришга хизмат қилади.

Бюронинг Бағдод тумани бўлими томонидан жорий йил ўтган даври мобайнида 28.8 млрд. сўмдан зиёд солиқ қарздорликлари амалда ундирилиши таъминланди.

- Фарғона вилояти Солиқ бошқармаси қарорига асосан қарздор "Ф.К" масъулияти чекланган жамиятидан 19 август куни давлат фойдасига Солиқ ва бошқа мажбурий тўловларни ундириш тўғрисидаги ижро ҳужжати бўйича олиб борилган ижро ҳаракатлари натижасида 310 млн. сўм солиқ қарзи ундирилди - деди Бюронинг туман бўлим бошлиғи Ж.Юлдашев

Қолган солиқ қарздорлигини ундириш юзасидан ижро ҳаракатлари давом эттирилмоқда.
2024-11-14 19:40:01